

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Тошкент давлат аграр университети  
Термиз филиали директори  
Ч.Р.Бегимкулов

“ 15 ” 2017 йил

**“Абитуриентлар аризасини электрон қабул қилиш (магистратура)”  
интерактив хизмати регламенти**

**1. Хизмат таърифи**

**1.1 Хизмат номланиши**

Қисқа номи: “Абитуриентлар аризасини электрон шаклда қабул қилиш”(магистратура).

Кенгайтирилган номи: Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг расмий сайти орқали “Олий таълим муассасаларида хужжат топшириш истагини билдирган абитуриентлар аризасини электрон шаклда қабул қилиш (магистратура)”.

**1.2 Хизмат натижаси**

Аризачини Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг магистратурага кириш учун ариза қабул қилинганлиги ҳақида хабардор қилиш.

**1.3 Хизмат кўрсатувчи**

Хизмат Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали томонидан кўрсатилади.

**1.4 Ҳуқуқий асослар**

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 393-сон қарори.

**1.5 Хизматдан фойдаланувчилар**

ОТМ ларининг бакалаврият босқичини тамомлаган талабалар.

**1.6 Ариза бериш муддатлари**

Абитуриентлардан аризалар қабул қилиш белгиланган муддатларда 20 июльдан 20 июльгача амалга оширилади.

## 1.7 Бажарилиш муддатлари

3(уч) иш куни

## 2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш

### 2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйдаги ахборот тақдим этилади:

- Хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;
- Танланган олий таълим муассасасидаги турдош таълим йўналишлари;
- Хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган хужжатлар рўйхати;
- Ариза биланкасини тўлдириш ҳақида маълумот;
- Хизматдан фойдаланиш муддатлари;

### 2.2. Батафсил маълумот олиш

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг расмий веб-сайти орқали.

### 2.3 Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш.

191200 Сурхондарё вилояти Термиз тумани Лимонзор қишлоғи “Янгиобод” маҳалласи Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали.

## 3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

### 3.1. Иш вақтлари

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали қабул комиссияси душанба-шанба куни саот 09<sup>00</sup>-17<sup>00</sup> га қадар фаолият олиб боради.

### 3.1. Кутиш шартлари

1-3 иш куни

## 4. Ҳихмат кўрсатиш тартиби

### 4.1 Зарур бўлган ҳужжатлар

Қуйдаги ҳужжатлар тўлдирилган махсус ариза шаклида электрон (сканерланган) шаклда илова қилинади:

- Бакалавр дипломи (“Олий маълумот ҳақидаги дипломни тасдиқлаш” тизими билан интеграция таъминланганда, дипломнинг серияси ва рақами киритилади);
- Чоп этилган илмий мақола ёки тезислари (ёки уларга тенглаштирилган ҳужжатлари) (мавжуд бўлса);
- Расм (3.5 x 4.5)(рангли, JPG, JPEG, PNG форматда, оқ фонда, фотошоп ёки шунга ўхшаш дастурлардан фойдаланиш таъқиқланади);
- №086 шаклдаги тиббий маълумотнома (Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими билан интеграция таъминланганда, маълумотнома рақами киритилади);
- ЭРИ (электрон рақамли имзо)
- Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПНИФЛ).

Қуйдаги ҳужжатларнинг сканерланган нусхаси талаб этилади.

- Ҳарбий гувоҳнома (эркаклар учун).

### 4.2 Ҳизмат тўлови

Бепул.

### 4.3 Ҳизмат кўрсатиш босқичлари

Университетнинг расмий вуб-сайти орқали ҳизмат кўрсатиш босқичлари:

- 1 id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга киритилади.
- 2 “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Абитуриентлар аризасини электрон қабул қилиш (магистратура)” хизмати танланади.
- 3 Ариза шакли тўлдирилади ҳужжатларнинг электрон нусхаси илова қилинади.
- 4 Мутахассислик танланади:
- 5 аризачининг шахсий идентификацион рақами (ИИНФЛ) киритилади.
- 6 Ариза тўғри тўлдирилганлиги тасдиқланади. “Электрон рақамли имзо билан юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.

### 4.4 Ҳизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

1. Масъул ходим томанидан мурожаат қилувчига ариза қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабар юборилади.
2. Аризага рад жавоби берилса, рад этиш учун асослар мурожаат қилувчига юборилади.
3. Аризачи ҳужжатларнинг асл нусхасини электрон ариза қабул қилингандан кейин 5 кун ичида Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали қабул комиссиясига топшириши шарт.

#### 4.5 Рад этиш сабаблари

Тошкент давлат аграр университети қабул комиссияси томонидан. Бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга шахслар турдош таълим йўналишлари рўйхатидаги ихтисосликларга мос келмаслигини аниқланса ёки талаб этилган ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги сабабли рад этиш мумкин.

“КИРИТИЛДИ”

Тошкент давлат аграр университети  
Термиз филиали Мониторинг ва ички  
назорат бўлими бошлиғи

Б.Норматов

“ 24 ” Ноябрь 2017 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

Тошкент давлат аграр университети  
Термиз филиали Ахборот  
технологиялари маркази бошлиғи

Н.Бойсунов

“ 24 ” Ноябрь 2017 йил